

## А Ж Р И М

(жазони муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2024 йил май ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Оқдарё туман 14-сон болалар муסיқа ва санъат мактаби биносида бўлиб, раислик қилувчи судья И.Ғуломов, судья ёрдамчиси А.Абдикахаровнинг котиблигида, томонлардан Оқдарё туман прокурорининг ўринбосари С.Эргашов, Оқдарё туман ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи катта инспектори Э.Жабборовларнинг иштирокида

Маҳқум: Файзуллаев Азимжон Хайруллаевич, 1980 йил 21 декабрь куни Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Оқдарё тумани, “Ўзбекистон” МФЙга қарашли, “Болта” қишлоғида яшовчига нисбатан Оқдарё туман ИИБ бошлиғининг Файзуллаев Азимжон Хайруллаевич томонидан ўталмай қолган жазо муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини №1-1411-2201/9-сонли йиғма жилд ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагилар

### А Н И Қ Л А Н Д И:

Оқдарё туман ИИБ бошлиғи А.Х.Валиев томонидан, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2022 йил 16 февраль кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ЖКнинг 62-моддасига асосан ўташлик учун 3 йил 11 ой 14 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилган, маҳқум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичга нисбатан чиқарилган ҳукм ижро этишлик учун 9.05.2022 йилда Оқдарё туман ИИБ пробация гуруҳига ҳисобга олинган, жазони ўташ тартиб қоидаларига қатъий равишда риоя этиб келганлиги ва содир этган жиноятини оқибатини англаб етганлиги кўрсатилиб, эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичнинг ўталмай қолган 1 йил 11 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Суд, тақдимнома билан танишиб чиқиб, Оқдарё туман ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи катта инспектори Э.Жабборовнинг ва Оқдарё туман прокурорининг ўринбосари С.Эргашовнинг Оқдарё туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, қуйидаги асосларда Оқдарё туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига кўра “Оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан



муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевич муқаддам жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2022 йил 16 февраль кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ЖКнинг 62-моддасига асосан ўташлик учун 3 йил 11 ой 14 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилган, маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичга нисбатан чиқарилган ҳукм ижро этишлик учун 9.05.2022 йилда Оқдарё туман ИИБ пробацция гуруҳига ҳисобга олинган, жазони ўташ тартиб қоидаларига қатъий равишда риоя этиб келганлиги ва содир этган жиноятини оқибатини англаб етганлиги кўрсатилиб, эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичнинг ўталмай қолган 1 йил 11 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541-542-моддаларига асосан суд,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Оқдарё туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевич томонидан ўталмай қолган 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 13 (ўн уч) кун озодликни чеклаш жазо муддатини эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш тўғрисидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2022 йил 16 февраль кунидаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 13 (ўн уч) кун озодликни чеклаш жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Оқдарё туман ИИБ пробацция гуруҳи ходимлари зиммасига юклатилсин.

Маҳкум Файзуллаев Азимжон Хайруллаевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 5-қисми талаби, яъни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақли.



Ҳужжат имзоланган: Ғуломов Илхом Алишер ўғли, 10.05.2024

